

## ТАРЖИМАДА ТИЛ ИМКОНИАТЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ХУСУСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Мунира Шарипова

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

[msharipova775@gmail.com](mailto:msharipova775@gmail.com)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7198531>

“Таржимадан мақсад – таржима эмас, аслият, – деган эди истеъдодли шоир ва таржимон Тилак Жўра, – таржимада таржима туртиб турмаслиги, балки аслият бўртиб турмоғи даркор”. Таржимада аслият бўртиб туриши таржимондан жуда кўп фазилатларни талаб қилади. Бадиий таржима юксак профессионал савияда бўлиши учун таржимон сўз санъатини нозик ҳис қиладиган ижодкор бўлиши керак. Шу билан бирга, таржима назариясини чуқур билиши, таҳрир масаласи, сўз устида ишлаш маҳорати, бадиий тил хусусиятларини пухта эгаллаган бўлиши зарур.

Таржимашунослик умумфилологик фан соҳаси ҳисобланса, таржима кенг соҳаларни қамраб оладиган ижодий ишдир. Бадиий таржима эса бадиий ижоднинг таркибий ва муҳим қисми саналади. Унинг асосий хусусияти тилнинг бадиий вазифасидан келиб чиқади. Таржима тил, адабиёт, санъат, жамият маданияти ва маънавияти тарихи билан чамбарчас боғлиқ. Турли тиллардан бошқа тилларга таржима қилиш жуда кўп меҳнат талаб қиладиган мураккаб жараён. Таржима миллатлараро мулоқотнинг энг муҳим кўриниши.

Академик Алийбег Рустамий: “Агар ўзбек тилининг сўз ва ибораларини замону макон нуқтаи назаридан чекламай йиғилса, дунёдаги энг кўп сўзли луғатлардан улуғроқ луғат тузиш мумкин”, – деб таъкидлаган эди. Демак, шундай бой сўз хазинасига эга бўлган она тилимизда таржима санъатини ҳам юксак даражага кўтариш имконияти бор, албатта.

Таржимонларнинг ҳам оғзаки, ҳам ёзма тарзда мулоқот олиб боришларида ўзбек тилини пухта билишлари талаб қилинади. Жаҳон адабиётининг сара намуналарини ўзбек тилига, ўзбек адабиётининг ўлмас асарларини дунё тилларига таржима қилиш учун етук таржимонлар керак. Ҳозирда кўплаб асарлар аслиятдан она тилимизга таржима қилиниб, нашр этиляпти. Аммо уларни ўқиганда баъзи ёш таржимонларнинг хорижий тилларни яхши эгаллаганлари ҳолда ўзбек тилини мукамал билмасликлари маълум бўлади. Таржимонлар она тилимизнинг чексиз имкониятларини, гўзал тасвирий воситаларини, нафосатию жилоларини, бир фикрни турли усулда ифодалай олиш йўллари тўлиқ ўзлаштирсаларгина, бу ҳолатни

бартараф этиш мумкин. Демак, таржима асарлари орқали тилимизнинг шуҳратини дунёга тараннум этиш ҳам унинг ўқитилишига жиддий эътибор берилишига боғлиқ.

Шу ўринда филология фанлари доктори, профессор Ғ.Саломовнинг таржима ҳақидаги фикрларидан айримларини келтиришни жоиз топдик:

1. Тилсиз таржима қилиб бўлмагани сингари, фақат тилнинг ўзи билан ҳам таржима қилиш амримаҳол.
2. Таржимада энг муҳим нарса меъёрни билиш ва сақлашдир.
3. Ҳар бир тилнинг ўз “таржимавий қуввати” бор. Бир тилга таржима қилинган нарсани бошқа тилга “худди шундай” таржима қилиб бўлмайди.
4. Таржиманинг асл нусхасига сўзма-сўз мослигини енгиб ўтиш чизиғидан таржимон маҳорати бошланади.
5. Ҳар қандай таржима ҳам тилнинг нимага қодирлигини намоён эта олмайди.

Таржимонларнинг ҳам оғзаки, ҳам ёзма тарзда мулоқот олиб боришларида ўзбек тилини пухта билишлари талаб қилинади. Жаҳон адабиётининг сара намуналарини ўзбек тилига, ўзбек адабиётининг ўлмас асарларини дунё тилларига таржима қилиш учун етук таржимонлар керак. Ҳозирда кўплаб асарлар аслиятдан она тилимизга таржима қилиниб, нашр этиляпти. Аммо уларни ўқиганда баъзи ёш таржимонларнинг хорижий тилларни яхши эгаллаганлари ҳолда ўзбек тилини мукамал билмасликлари маълум бўлади. Таржимонлар она тилимизнинг чексиз имкониятларини, гўзал тасвирий воситаларини, нафосатию жилоларини, бир фикрни турли усулда ифодалай олиш йўллари тўлиқ ўзлаштирсаларгина, бу ҳолатни бартараф этиш мумкин. Демак, таржима асарлари орқали тилимизнинг шуҳратини дунёга тараннум этиш ҳам унинг ўқитилишига жиддий эътибор берилишига боғлиқ.

Китобхонга керакли асарларни, унга маънавий-эстетик жиҳатдан бой озуқа берадиганларни танлаб таржима қилиш керак. Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддиновга “машҳур ёзувчи Пауло Коэльонинг асарлари жаҳоннинг 117 та давлатида чоп этилиб, миллионлаб инсонлар ўқишга муяссар бўлиб турган бир пайтда, нега ўзбек китобхонлари бундан бебаҳра қолади” деган фикр тинчлик бермай, бу асарни ўзлари таржима қилишга киришадилар. Шундай қилиб, Пауло Коэльонинг “Алхимик” ва “Бешинчи тоғ” асарлари ўзбек китобхонлари эътиборига ҳавола этилган.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, жаҳон адабиётининг дурдона ва бетакрор асарларини халқимиз ўз она тилида ўқиши керак, ўзбек китобхонлари дунё адабиётининг энг сара асарлари таржимасига муштоқ.

Бунинг учун таржимонлар ҳар қандай фикр ва туйғуни ифодалашга қодир ўзбек тилининг чексиз имкониятларидан самарали фойдалана олишлари зарур.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar**

1. Адабиёт – руҳият мулки. Тошкент. Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 2000.
2. Умиров С. Солланиб оқаётган дарё. Тошкент. Фан. 1992.
3. Шарафиддинов О. Она тилим – ифтихорим, инжа ганжинам. “Ўзбекистон овози” газетаси. 2003. 2, 4, 6, 11 декабрь.